

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАДИРОВА НАРГИЗА АРИФОВНА**

**ЖАҲОН АДИБЛАРИ ИЖОДИДА ЭВРИЛИШ МОТИВИ**  
**(МУШТАРАКЛИК ВА ИНДИВИДУАЛЛИК)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

УДК:811.113:512.133+87'1 (575.1)

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
филологическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD) in  
Philological sciences**

**Кадилова Наргиза Арифовна**

Жаҳон адиблари ижодида эвристик мотиви (муштараклик ва индивидуаллик)..... 5

**Кадилова Наргиза Арифовна**

Мотив превращений в творчестве писателей мира (общность и индивидуальность) ..... 21

**Kadirova Nargiza Arifovna**

Transformation motifs in the literary works of the writers of the world (commonality and individuality) ..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 43

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**PhD.03/30.12.2019.Fil.72.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**КАДИРОВА НАРГИЗА АРИФОВНА**

**ЖАҲОН АДИБЛАРИ ИЖОДИДА ЭВРИЛИШ МОТИВИ**  
**(МУШТАРАКЛИК ВА ИНДИВИДУАЛЛИК)**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Бухоро – 2020**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil860 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетидега бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Бухоро давлат университети веб саҳифасида (www.buxdu.uz) ҳамда «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ўраева Дармон Саидахмедовна</b> филология фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Кахарова Ирода Сидиковна</b> филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) <b>Холмуратов Абдухамид</b> филология фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Урганч давлат университети</b>

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/03.2019.Fil.72.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «07» декабр соат 9:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-29-14; факс: (0 365) 221-57-27; e-mail: buxdu\_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (0 365) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2020 йил «25» ноябр кунини тарқатилди.  
(2020 йил «25» ноябр даги 08 - рақамли реестр баённомаси.)



**М.К. Бакаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол. ф. д., профессор

**З.И. Расулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н., доцент

**М.М. Жўраева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. (DSc)

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида эпик тафаккур тадрижи билан боғлиқ адабий ҳодисалар генезиси ва поэтик тараққиёт хусусиятларини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунё оғзаки ва ёзма адабиётида инсон, табиат мавжудотларининг бир кўринишдан бошқа кўринишга ўтишини акс эттирувчи эврилиш мотиви шундай адабий-эстетик ҳодисалардан бири бўлиб, аслида фольклорда пайдо бўлган ва кейинчалик ёзма адабиётга ҳам кўчган. Шу тариқа анъанавийлик касб этган эврилиш мотивининг ёзма адабиётга ўтиш сабабларини, ижтимоий-руҳий асосларини ва жаҳон адиблари ижодида даврларга қараб қандай бадиий талқин этилганлигини аниқлаш инсоният бадиий-эстетик тафаккури тадрижининг тарихий-поэтик босқичларини белгилашда, фольклор ва ёзма адабиётнинг боғлиқликда ривожланиб келаётганлигини асослашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида эврилиш мотивининг барча замонларда инсон тақдирини поэтик талқин қилиш, унинг ҳаётидаги жиддий ўзгаришлар, ижтимоий силжишлар, бурилиш нуқталари, руҳий бузилишларни тўлалигича бадиий ёритиш воситаси сифатидаги бадиий-эстетик вазифаларини очишга қизиқиш ҳамisha юқори бўлган. Чунки эврилиш мотивининг асар бадииятини таъминлашдаги аҳамиятини, инсон ҳис-кечинмаларини тасвирлашдаги ролини, умумий хусусиятларини, генезиси, ички кўринишлари, бадиий тадрижини аниқлаш мифологик тафаккур қолдиқларининг замонавий адабиётда поэтик янгилашлар асосида яшаб келаётганини далиллаш имконини беради. Мотив табиатида юз берган эволюцион ўзгаришлар, диффузияланиш жараёни, поэтик динамика инсоният бадиий тафаккури тараққиётига хос тамойилларни англашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда мустақилликка эришилгандан сўнг “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор”<sup>1</sup> эканлиги жаҳон адабиёти намояндалари бадиий тажрибаларининг миллий адабиётимизда ўзлаштирилиши, бунда муштараклик ва индивидуаллик каби масалаларга қизиқишни орттирди. Бу жиҳатдан жаҳон ва миллий адабиётимизда қадимдан кенг қўлланиб келаётган эврилиш мотиви ҳам алоҳида диққатни тортади. Уни ўрганиш бадиий асар сюжети бадииятини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши, 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги

<sup>1</sup>Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Тошкент, 2017. – 4 август.

ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларига таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 376-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида В.Пропп, М.Бахтин, Е.Мелетинский, Н.А.Кун<sup>2</sup> олимларнинг тадқиқотларида эврилиш мотивининг мифологик асослари, оғзаки ва ёзма ижодиётдаги поэтик вазифалари, шунингдек, жаҳон адиблари асарларидаги ўзига хос талқинлари масаласига доир илмий кузатишлар мавжуд. Жумладан, рус фольклоршуноси В.Я.Пропп эртақ қаҳрамонининг жониворга эврилиши ва яна ўз ҳолатига қайтиши қадимги одамларнинг нариги дунёга бориб келиши ҳақидаги мифик тасаввурлари асосида пайдо бўлганлигини Африка мифологияси манбалари асосида очиб берган<sup>3</sup>. М.Бахтин роман жанридаги асарларда замон ва хронотоп шакллари хусусида фикр юритар экан, метаморфоза жараёнини бошдан кечирган қаҳрамонлар, уларнинг ўзгариши ва ўзлигини англашида эврилишнинг ўрни ҳақида тўхталган<sup>4</sup>. Е.М. Мелетинский эса миф бадиияти ҳақида ёзар экан, Ф. Кафка ижодида учрайдиган афсонавий ва руҳий эврилишлар моҳиятини очишга интилган<sup>5</sup>. Кўринадики, жаҳон адабиёт илмида унинг ўрни, генезиси, бадиий вазифалари ҳақида яхлит тасаввур уйғотувчи монографик тадқиқотлар кам олиб борилган.

Ўзбек фольклоршунослиги ва адабиётшунослигида Ғ.Жалолов, Ф.Гўзалев, Т.Раҳмонов, С.Жумаева, Ж.Юсупов, М.Содиқова, М.Муродов,

---

<sup>2</sup> Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – М.: Лабиринт, 2009 – С. 274. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўракулов таржимаси. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 77-99. Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари // Жаҳон адабиёти. – 2013. – № 7. – Б. 132-147. Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1976. – С. 407-408. Кун Н.А. Қадимги юнон афсона ва ривоятлари. – Самарқанд: Зарафшон, 2005. – Б. 249.

<sup>3</sup>Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – М.: Лабиринт, 2009 – С. 274.

<sup>4</sup>Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўракулов таржимаси. – Т.: Академнашр, 2015. – Б. 77-99.

<sup>5</sup>Мелетинский Е.М. Поэтика мифа. – М.: Главная редакция восточной литературы, 1976. – С. 407-408.

Ҳ.Шайхов Д.Қувватова<sup>6</sup> каби олимларнинг мақола, монография ва диссертацияларида фольклордаги эртак, афсона, дoston ва ёзма адабиётдаги фантастик асарларда эврилиш мотивининг қўлланилиши тадқиқ этилган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг тадқиқотлари эътиборга олиниб, уларга муносабат билдирилган. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, жаҳон адиблари ижодида ҳамда ўзбек ёзма адабиётида эврилиш мотивидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятлари қиёсий йўналишда махсус текширилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Тилнинг лексик-семантик тизими, қиёсий типологик изланишлар ва таржимашунослик муаммолари» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** жаҳон адиблари ижодида эврилиш мотивининг ўрни, тарихий-фольклорий илдизлари, бадиий эволюцияси, қўлланилишидаги муштараклик ва индивидуаллик, поэтик-композицион хусусиятларини аниқлашдан иборатдир.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

жаҳон оғзаки ва ёзма адабиётида, жумладан, ўзбек адиблари ижодида эврилиш мотивининг ўрни, генезиси ҳамда поэтик кўринишларини аниқлаш; эврилиш мотивининг бадиий-тадрижий ривожланиш босқичларини белгилаш;

антик адабиётда маъбудлар ҳақидаги афсоналарда, Гомернинг “Одиссея” достонида, Овидийнинг “Метаморфоза” асарида эврилиш мотивининг ўзига хос бадиий ифода хусусиятларини, поэтик вазифаларини, кейинги эстетик тажрибаларга таъсирини далиллаш;

уйғониш даври ва ундан сўнг, хусусан, XX-XXI аср жаҳон адиблари асарларида эврилиш мотивидан фойдаланишга хос анъана ва новаторлик белгиларини очиш;

бадиий ижодда эврилиш мотиви ғоявий-эстетик ҳамда композицион жиҳатдан муҳимлигини, сюжет қурилишида воқеаларни боғлашда аҳамият касб этишини асослаш.

---

<sup>6</sup> Жалолов Ғ. Эртаклар фантастикасига бир назар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1978. – № 5. – Б. 55-58; Гўзалев Ф. Сехрли эртакларда эврилиш ва унинг архаик шакллари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1989. – № 4. – Б. 48-51; Раҳмонов Т. Сехрли эртакларнинг айрим мотивлар генезисига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. – № 3-4. – Б. 51-55; Жумаева С. Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг сюжет ва мотивлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1996. – № 5. – Б. 37-39.; Юсупов Ж. Эврилиш мотивига доир баъзи мулоҳазалар // Шарқ юлдузи. – 2002. – № 1. – Б. 152-153; Содиқова М. Жон ҳақидаги анимистик тасаввурлар // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2003. – № 5. – Б. 61-67. Муродов М., Шайхов Ҳ. Ҳаётбахш хаёллар. – Т.: Ёш гвардия, 1985. – Б. 110. Қувватова Д. Ўзбек илмий-бадиий фантастикасида фольклор мотивлари: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Т., 1997. – Б. 24. Қувватова Д. Ўзбек фантастикасида эврилиш мотиви // Илм сарчашмалари. – Урганч, 2004. – № 3. – Б. 81-83.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Гомер, Публий Овидий Назон, Апулей, Вильям Шекспир, Оноре де Бальзак, Франс Кафка, Габриэл Гарсиа Маркес, Пауло Коэльо, Шарль Перро, Эрнст Теодор Амадей Гофман, Герберт Жорж Уэллс, Роберт Луис Стивенсон, Марк Твен, Акутагава Рюноскэ, Александр Пушкин, Михаил Булгаков сингари жаҳон адибларининг эврилиш мотивидан фойдаланиб яратган шеърий, насрий, драматик асарлари танланди. Масалани қиёсий аспектда ўрганиш мақсадида бир қатор ўзбек ёзувчиларининг тарихий, фантастик-саргузашт, эртак типида яратилган асарларига ҳам мурожаат қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни жаҳон адибларининг шеърий, насрий, драматик асарларидаги эврилиш мотиви хусусиятлари, кўринишлари, поэтик вазифалари ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг усуллари** сифатида тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, фалсафий-культурологик, ижтимоий-психологик, таснифлаш, функционал таҳлил методларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

жаҳон адабиётининг антик, уйғониш, романтизм, модернизм каби босқичларида адибларнинг эврилиш мотивидан фойдаланишдаги бадиий маҳоратига хос такомил белгилари, услубий индивидуаллик ҳамда умумийлик, эътиқодий ишончлари жиҳатидан муштарак бадиий кўриниш ва вазифаларда намоён бўлиш хусусиятлари аниқланган;

жаҳон ёзма адабиётида эврилиш мотивидан фойдаланишнинг тарихий-фольклорий, ижтимоий-психологик, бадиий-эстетик тамойиллари ушбу мотивга хос эзгулик, тўғрилиқ, катталарни ҳурмат қилиш, меҳнатсеварлик, илм ўрганишга интилишни тарғиб қилиш, ёвузликни қоралаш каби тарбиявий мақсадда яратилишига доир универсалияларнинг парадигмалари асосланган;

фольклор ва ёзма адабиётда инсоннинг антроморф қиёфадан зооморф қиёфага, табиат ҳодисасига, осмон жисмига эврилишида сеҳр-жоду, инсон ҳис-кечинмалари, ижтимоий турмушида жазолаш, ўч олиш, қарғишга учраш, қизиқувчанлик, фош этиш, ўз кашфиётидан шахсий бойишга интилиш мотивларининг устуворлиги исботланган;

жаҳон ва ўзбек ижодкорлари бадиий асарларида эврилиш мотивининг магик, ижтимоий, руҳий табиатли ўзига хос поэтик, структурал ва функционал кўринишларининг поэтик бирлик сифатида инсон қисматини идрок этиш шакли эканлиги ва эврилиш ҳодисаси маъбудлар, шайтон, жин, ажина ва алвастилар каби демонологик кучлар, оддий ёки олим инсонлар томонидан воқелантирилиши далилланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

эврилиш мотивининг назарий тавсифларини тартиблаш, уларни ҳозирги илмий тафаккур нуқтаи назаридан юзага келиш асосига кўра таснифлаш, унинг ўзига хос поэтик хусусиятларини ва бадиий-эстетик вазифаларини далиллаш, турларини структурал ва функционал таҳлил қилиш жаҳон адабиёти тарихи, адабиёт назарияси каби фанлардан яратилажак дарслик ва қўлланмаларнинг мукамаллашувига хизмат қилиши асосланган;



эврилиш мотивининг бадийликни юзага келтиришдаги ролини, анъанавий эпик сюжетлар тизимидаги ўрнини ҳамда ўзига хос структуравий ва функционал жиҳатларини очиб бериш бугунги кунда ёш авлоднинг илмий дунёқараши, тафаккурини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиши аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** диссертацияда қўлланилган илмий-методологик ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий ҳамда бадий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, фалсафий-культурологик, ижтимоий-психологик, таснифлаш, функционал таҳлил воситасида асосланганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда чиқарилган назарий хулосалар жаҳон адиблари ижодида эврилиш мотивининг ўрни, генезиси, анъанавийлиги, тадрижий такомилли, таснифи, асар сюжетини шакллантиришдаги бадий-эстетик вазифаларига дахлдорлиги жиҳатидан дунё адабиётидаги поэтик ҳодисаларни тизимли, адабий алоқа ва адабий таъсир нуқтаи назаридан текширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ҳамда хулосалардан олий ва ўрта махсус таълим тизимида, умумтаълим мактабларида ёшларга адабий-назарий маълумотлар беришда, “Жаҳон адабиёти тарихи”, “Адабиёт назарияси” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда, адабиётшунослик терминлари луғатини бойитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Жаҳон адиблари ижодида эврилиш мотивининг ўрни, генезиси, поэтик хусусиятлари ва вазифаларини аниқлаш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

дунё адабиёти контекстида ўзбек адабиётини ўрганиш, унда Шарқу Ғарб фольклори ва ёзма адабиёти муносабати, адабий алоқа ва таъсир, анъаналар бадий синтези, қадимий мотивларнинг поэтик янгиланиш тамойиллари, хусусан, инглиззабон ва ўзбек ижодкорларининг эврилиш мотивини қўллашдаги типологик ва специфик хосликлар билан боғлиқ хулосалардан Ф-1-06 “Истиклол даври ўзбек адабиётида Шарқу Ғарб адабий анъаналари синтези” мавзусида бажарилган фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 89-06-65-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек адабиётига фольклордан ўтган баъзи анъанавий мотивларнинг табиати, вазифаси жиҳатидан жаҳон фольклори ва адабиётидаги айрим мотивлар билан муштараклик касб этиши, дунё халқлари адабиёти анъаналарининг ўзбек адабиётида ҳам синтезлаштирилганлиги юзасидан хулосалар чиқариш имконини берган;

жаҳон адабиётида эврилиш мотивининг келиб чиқиш тарихий-фольклорий асослари, ўзига хос хусусиятлари ва кўринишлари, антик адабиётдан то ҳозиргача бўлган бадий-тадрижий такомилли, ғоявий-

композицион, бадий-эстетик вазифаларига доир хулоса ва тавсиялардан Бухоро давлат университети ўқув жараёнида, жумладан, сиртки ва махсус сиртки таълим шаклларида талабаларни ўқитиш учун мўлжалланган “Инглиз тили” ўқув қўлланмасини тайёрлашда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 5 декабрдаги 89-06-65-сон маълумотномаси). Натижада олий таълимда сиртки ўқитишнинг илмий-методик самарадорлигини оширишга кўмак берган;

фольклор ва ёзма адабиётда анъанавийлик, уларда бадийлик тамойилларининг қўлланишига доир хулосалардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” каби туркум кўрсатувлари сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2019 йил 21 ноябрдаги 1/416-сон маълумотномаси). Натижада телетомошабинларнинг китобхонликка қизиқишини оширишга, уларнинг бадий асарларда фольклор ва ёзма адабиёт анъанавийлиги, синтези бўйича илмий тасаввур-тушунчаларини бойитишга, шунингдек, ушбу телекўрсатув учун тайёрланган материаллар мазмунининг мукамаллашувига, илмий далилларга бой бўлишига, кўрсатувнинг илмий-оммабоплиги таъминланишига эришилган;

эврилиш мотивини бадий вазифаларига кўра таснифлашнинг янги усуллари билан боғлиқ хулосалардан Истанбул университети таълим жараёнида, яъни турк ҳамда чет эллик талабаларнинг жаҳон адиблари асарларида эврилиш мотивининг роли ҳақидаги билимларини бойитишда фойдаланилган (Истанбул университети ректори проф. доктор Маҳмуд Акнинг 2020 йилнинг 20 майдаги маълумотномаси). Натижада ўзбек ва хорижий романларига хос поэтик хусусиятларнинг умумий таҳлили, жаҳонга машхур мутахассисларнинг бу борадаги мулоҳаза ва хулосалари изоҳи талабаларнинг эврилиш адабий ҳодисаси ҳақидаги назарий тушунчаларини бойитишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманда, шу жумладан, 6 та республика, 3 та хорижий конференцияларда қилинган маърузаларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та илмий мақола, улардан 3 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва ишга доир жадваллар иловасидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 139 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети,

Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг ишончлилиги, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жаҳон адабиётида эврилиш мотивининг генезиси”** деб аталган биринчи боби “Эврилиш мотиви келиб чиқишининг тарихий-фольклорий асослари ва бадий такомил белгилари” ҳамда “Эврилиш мотивининг бадий кўринишлари ва эстетик вазифалари” номли икки фаслдан таркиб топган. Бу фаслларда, асосан, эврилиш мотивининг моҳияти, келиб чиқишига мифологик қарашларнинг таъсири, поэтик кўринишлари ва вазифалари ёритилган.

Эврилиш мотиви умумжаҳон оғзаки ва ёзма адабиётида кенг тарқалган қадимий ва анъанавий эпик мотивлардан биридир. Эврилиш, ўзгариш, турланиш каби маъноларни англлатувчи сўзлар жаҳон миқёсида антик даврдан буён “метаморфоза” сўзи билан юритилиб келинади. Илмий тил билан айтганда, метаморфоза бир шаклдан иккинчисига ўтиш давомида янги шакл ҳамда функцияга эга бўлиш демакдир<sup>7</sup>.

Маълумки, қадимги инсонлар ўлимни бир кўринишдан бошқа кўринишга эврилиш, ўлим инсоннинг бир оламдан бошқа оламга ўтиши учун восита, марҳумлар олами эса бу дунёнинг тескари кўриниши, у ерга инсон ўз кўринишида эмас, ўзга кўринишга эврилиб кириб боради, деб тушунган<sup>8</sup>. Шунинг натижасида фольклорнинг миф ва афсона жанрларида одамнинг у ёки бу жонивор, ўсимлик, нарса-ҳодисага айланиши, шунингдек, бирор жонзот ёки ўсимликнинг одамга эврилиши тўғрисидаги мифологик тасаввурларни ўзига сингдирган алоҳида эпик мотив – эврилиш мотиви юзага келган. Кейинчалик инсон поэтик тафаккурининг ўсиши, бадий-эстетик тажрибаларнинг тарихий-тадрижий тараққиёти натижасида бошқа қадимий эпик мотивлар сингари эврилиш мотиви ҳам миф, афсона, эртак, дoston жанрлари сюжет таркибида одамнинг инсон кўринишидан бошқа кўринишга эврилишига сабаб бўлган ижтимоий-психологик омилларни ахлоқий-этик қарашлар воситасида бадий изоҳлашга, тушунтиришга йўналтирилган. Ҳатто бу унинг асосий ва етакчи бадий вазифасига айланган. Ҳозирга келиб, эврилиш мотивидан кўпинча ёзма адабиётда инсон ҳис-кечинмалари билан боғлиқ тарзда содир бўладиган “руҳий эврилишлар”ни бадий очишда фойдаланилаётгани кузатилади.

1. Фольклорда қўлланилган эврилиш мотиви. У халқ оғзаки ижодининг барча жанрларида ҳам қўлланавермайди. Бунга унинг хаёлий уйдирма, фантазияга асосланиши, сеҳр-жодуга ишонч, афсонавийлик, ғайритабiiийлик билан боғланиши монeълик қилади. Шунинг учун ундан фақат сюжети хаёлий уйдирмага асосланадиган миф, афсона, сеҳрли-фантастик эртак,

<sup>7</sup>Публий Овидий Назон. Метаморфозы. Пер. С.В.Шервинского. – М.: Издательство “Художественная литература”, 1938 – Б. 207.

<sup>8</sup>Ўша асар – Б.129.

романик дoston сингари эпик турга мансуб жанрлардагина фойдаланилади, холос.

2. Ёзма адабиётда қўлланилган эврилиш мотиви антик даврдан то ҳозиргача қўлланиб келаётир. Лекин фольклордан фарқли ўлароқ, ёзма бадий ижодда эврилиш мотиви шеърӣ, насрий, драматик асарлар сюжет қурилишида учрайверади ва улардаги воқеаларни ғоявий-композицион жиҳатдан боғлашда муҳим аҳамият касб этади.

Антик адабиёт намуналарида қаҳрамоннинг эврилиши худди фольклордаги сингари илоҳий тарзда юз бериши тасвирланади. Фақат фольклордагидан фарқи шундаки, бунда эврилиш маъбудлар истаги ва таъсирида юз беради ва “жазо бериш” вазифасини бажаради. Кейинги босқичларда яратилган бадий асарларда эса инсон эврилишига унинг бевосита ўзи томонидан илм-фан ва техника соҳасида яратган кашфиётлари сабаб бўлиши акс эттирилади. Шунинг учун кўпинча адабий эртакларда, илмий-фантастик руҳдаги роман, қисса ва ҳикояларда қаҳрамоннинг ўзи кашф қилган дори ёки тасодифан топиб олган қандайдир сеҳрли буюми ёрдамида ўз қиёфасини ўзгартириши, ёхуд зумда кўздан ғойиб бўлиши, ёйинки ғойибдан пайдо бўлиши, кўзга кўринмайдиган бўлиб қолиши каби қизиқарли воқеалар ифода этилади.

Эврилиш мотивининг оғзаки ва ёзма бадий ижодда қадимдан ҳозиргача қўлланиб келинаётгани унинг яна даврий икки типини ажратишни тақазо қилади. Булар: 1. Анъанавий эврилиш мотиви. Бунда асар қаҳрамонининг қадимги мифологик афсоналар сюжети бўйича бирор-бир ҳайвон, ўсимлик, табиат ҳодисаси, осмон жисми, нарса-буюм кабиларга эврилиши поэтик ифода этилади. 2. Замонавий эврилиш мотиви. Бунда қаҳрамоннинг ўзи кашф қилган бирор нарса (сирли элекси́р, дори, жарроҳлик бобидаги ютуғи) воситасида ўзининг ёки бирор кишининг кўринишини, табиатини ўзгартириши ёхуд кўзга кўринмас бўлиб қолиши тасвирланади.

Эврилиш мотивининг асар сюжетидаги ўрни ва иштироки ўша асар жанрий табиатини, ғоявий-композицион йўналишини белгилашда алоҳида аҳамият касб этиши нуқтаи назаридан кузатилганда, унинг иштироки фаол ёки нофаол бўлиши англашилади. Бу эса эврилиш мотивининг бадий асарлардаги иштирокини иккига бўлиб: а) фаол вазифали эврилиш мотиви; б) нофаол вазифали эврилиш мотиви кўринишида ўрганиш заруратини кўрсатади.

Эврилиш мотиви авантю́р ва маиший руҳдаги асарларнинг етакчи мотивларидан бири ҳисобланади. Уларда “метаморфоза” жараёнини бошидан кечираётган қаҳрамон авантю́р ва маиший макон сатҳи бўйлаб аслига томон интилар экан, шу аснода унинг маънан ўзгариши, ўзини англаши кузатилади. Маълумки, бу маиший-авантю́р романларнинг бош хусусиятларидан биридир<sup>9</sup>.

---

<sup>9</sup>Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан Узоқ Жўрақулов. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 29.

Эврилишга кўпинча инсонларга хос қизиқувчанлик замин яратади. Бунга бевосита “Олтин эшак” асари қаҳрамони Люций ўзининг ўйинқароқлиги ва ноўрин қизиқишлари туфайли эшакка айланиб қолиши мисол бўла олади<sup>10</sup>. Люцийдаги қизиқувчанлик оқибати унинг айрим имкониятларини кенгайтирган эса-да (масалан, эшак қиёфасида дарбадар кезган қаҳрамон одамларнинг жамият кўзидан яширин норасмий турмушларини бевосита кузатиш, уларнинг энг нодир (махфий), айниқса, интим муносабатларига оид сирларидан воқиф бўлиш имконига эга бўлади) уни мислсиз хўрликлар, азоб-уқубатларни бошидан кечиришга ҳам мажбур қилди. Қизиғи шундаки, “Олтин эшак”даги Люций функцияси Апулей давридан то XIX асргача бўлган Европа романчилигида изчил давом этган. Аммо ахлоқий юксалиш, ўзни англаш тарзида эмас, одамларнинг сирини билиш, ножоиз жойларга, тақиқланган парда оша мўралаш воситаси сифатида хизмат қилган.

Кузатишларимиз бадиий асарларда қўлланиб келаётган эврилиш мотиви ўз вазифаларига қараб турли вариацияларда шаклланганидан далолат беради. Булар: 1. Эврилиш ким учундир қулайлик. Масалан, Апулейнинг “Олтин эшак” асари қаҳрамони Люций учун бировларнинг ботиний турмушини пинҳона кузатиш учун унга қиёфасини ўзгартириш қулайлик туғдирди. 2. Қайсидир қаҳрамон учун у ноқулайлик. Масалан, П.Маарнинг “Жаноб Белло ва сирли эликсир” асарида ит кўринишидан одам кўринишига эврилган Белло учун инсонлар қиёфасида кийиниш, юриш-туриш анча ноқулайлик туғдирарди. 3. Мутлақ ҳалокат белгиси. Бунга Ф.Кафканинг эврилиш ҳикояси қаҳрамони Замзама тақдири мисолида ишонч ҳосил қилиш мумкин. 4. Кимнидир калака қилиш воситаси. В.Шекспирнинг “Ёз кечасидаги туш” драмасида болани эшакбошга айлантириб, уни камситиш, хўрлаш мотиви бунга мисол бўла олади. 5. Кимларнидир фош этиш, кирдикорларини очиш воситаси. Масалан, ўзбек адиби Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девнинг ўлими” романи қаҳрамони Ҳошимжон ўзи топиб олган сирли қалпоқча ёрдамида кўзга кўринмас тусга эврилиб, фолбин аёлнинг кирдикорларини фош этиши мисолида эврилиш мотивига хос анъанавий “фош этувчилик” вариантыдаги вазифаси тўла намоён бўлади.

Ўрта асрдан кейинги давр романи хронотопида фаол “фош этувчи” ролини телба, айёр ва масхара ўйнаган бўлса, “Сариқ девнинг ўлими” романида бу ролни ўқувчи бола ўйнайди. Бу билан яна эврилиш мотивининг ҳам болалар, ҳам катталар образига боғлаб талқин қилиниши ойдинлашади.

Эврилиш мотивининг “фош этувчилик” вазифаси орқали ижтимоий-ҳаётий иллатларга қарши курашиш очиб берилади. Жумладан, Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девнинг ўлими” романида ҳам ижтимоий турмушдаги, маълум бир жамиятдаги ҳаётий камчиликлар, айрим кимсаларга хос алдамчилик, фирибгарлик иллатлари пародиявий кулги билан боғланиб фош этилишида эврилиш мотиви бошқа мотивларга параллел олинган.

---

<sup>10</sup>Ўша асар – Б. 30.

Эврилиш мотиви, одатда, салбий қаҳрамонларнинг асл башарасини очиш вазифасини бажаришда жуда қўл келиши туфайли ундан кенг қўлланиб келингани кузатилади. Хусусан, психологик йўналишдаги асарларда бу жиҳатдан унинг ўрни катта.

Жаҳон ёзма адабиёти мисолида эврилиш мотивининг ўз тарихий-фольклорий, ижтимоий-психологик, бадиий-эстетик асосларига кўра қуйидаги бадиий кўринишларда қўлланиб келаётгани кузатилади. Булар: 1. Фольклордаги каби инсоннинг антроморф қиёфадан зооморф қиёфага ёки бирор табиат ҳодисасига, осмон жисмига эврилиши. 2. Инсон ёшининг, яъни кексанинг навқирон, ёшнинг эса қария кўринишига эврилиши. 3. Инсоннинг ўз ижтимоий мавқеини, ҳолатини, кўринишини сеҳрли таёқча, сеҳрли қалпоқ, сеҳрли олма, сирли тери, сеҳрли соч толаси ва ҳоказо каби магик хусусиятли предметлар воситасида ўзгартириши. 4. Марҳумнинг қайта тирилиши, яъни ўликнинг тирикка эврилиши. 5. Инсоннинг бировни жазолаш, бировдан ўч олиш, қарғишга учраш, қизиқувчанлик, фош этиш, ўз ақлий-илмий кашфиёти орқасидан шахсий бойишга интилиш ҳолатлари оқибати туфайли кўринишининг ва руҳиятининг эврилиши. 6. Саломат кишининг турмуш зарбаларини кўтаролмай, руҳиятида бузилишлар рўй бериб, телбага эврилиши. 7. Макон ва замон эврилиши.

Шунингдек, жаҳон адабиётида қадимдан ҳозиргача эврилиш мотивининг уч хил кучлар таъсирида юз бериши тасвирланадики, бунга кўра унинг икки тури фарқланади. Жумладан: 1. Эврилиш юз беришига маъбудларнинг хоҳиши ва таъсири. 2. Эврилиш юз беришига демонологик кучлар (шайтон, жин, ажина ва алвастилар)нинг таъсири. 3. Эврилишнинг оддий ёки олим инсонлар томонидан содир эттирилиши.

Ёзма асарларда кўпинча қаҳрамоннинг одам кўринишидан ҳайвон кўринишига ёки аксинча, ҳайвон кўринишидан инсон қиёфасига кўчишини тасвирловчи эврилиш мотиви кўп учрайди. Одамнинг ҳайвонга эврилиши мотиви Апулейнинг “Олтин эшак” асаридан сўнг яратилган асарларда ҳам кузатилади. Жаҳон адабиётида ҳайвоннинг одамга эврилиши мотиви асосига қурилган асарлар ҳам мавжуд. Бунга немис адабиётида фантастик ҳикоялари билан шуҳрат қозонган адиб П.Маарнинг “Жаноб Белло ва сирли эликсир” номли ҳикоясини ҳамда рус адиби М.Булгаковнинг “Итюррак” асарини мисол қилиш мумкин. Унда итнинг илмий изланишлар самараси сифатида одамга айлантирилиши мотиви келтирилган.

Замонавий адабиётда руҳий эврилишлар талқини катта ўрин тутди. Умуман айтганда, ёзма асарларда уч хил мақсаддаги эврилиш талқини кузатилади: а) ўзликни англаш билан боғлиқ эврилиш; б) асл илмни излаш; в) ҳақиқатни излаш билан боғлиқ эврилиш.

Шуни айтиш керакки, эврилишнинг айёр, телба ва масхара образида берилиши кўп кузатилади. Аслида бу қаҳрамонлар ғирт соғ, лекин ўзини шу кўринишларда намоён этиб, асл ҳақиқатни излайдилар ва ошкор этадилар. Уларнинг шакл ўзгартирувчи таъсири икки йўналишда давом этади.

Диссертациянинг **“Жаҳон адабиётида эврилиш мотивининг бадиий-тадрижий ривожланиш босқичлари”** номли иккинчи боби “Антик

адабиётда эврилиш мотивининг “Метаморфоза” асаридаги поэтик талқин хусусиятлари”, “Уйғониш ва ундан сўнгги давр ижодкорларининг эврилиш мотивидан фойдаланиш маҳорати”, “XX-XXI аср жаҳон адабиётида эврилиш мотиви билан боғлиқ янгича изланишлар” сингари уч фаслдан ташкил топган. Боб фаслларида жаҳон адибларининг эврилиш мотивидан адабиётнинг турли тадрижий босқичларида фойдаланиш мақсади ва маҳорати, шунга кўра унинг ҳар хил кўринишлари шаклланиши, эврилиш сўзи сарлавҳа даражасига кўтарилган асарларнинг сюжет тузилиши, образлар таркиби, уларда эврилиш мотивининг ўрни, бадиий вазифалари, ўзига хос поэтик талқини, бошқа мотивлар билан муносабати хусусида сўз юритилган.

Жаҳон адабиётида эврилиш мотивининг бадиий-тадрижий ривожланиш босқичлари қуйидагича таснифланади: 1. Антик адабиётда эврилиш мотиви маъбудлар томонидан инсонларга жазо бериш усули экани ёки инсоннинг шахсий қизиқувчанлиги сабабли юз бериши талқин этилган. 2. Уйғониш даври адабиётида эврилиш мотиви инсонларнинг ўз хоҳишига кўра бирор сеҳрли буюм ёки сеҳрли сўз воситасида юз бериши тасвирланган. 3. Уйғониш даври адабиётидан кейинги босқичларда эврилиш мотиви кўпинча олим одамларнинг ўз илмий кашфиётлари орқали ўзининг ёки бировларнинг кўринишини ўзгартириши, ижтимоий мавқеини кўтаришга, бойишга, бошқаларни бўйсундиришга интилиши воқеалари асосида ифода этилган. 4. XX-XXI аср адабиётида кўпроқ руҳий эврилишлар тасвирига кенг ўрин берилган. Шу асосда инсон руҳий кечинмалари билан боғлиқ ўзгаришларни талқин ва таҳлил қилишга эътибор қаратилган.

Рим адабиётининг кўзга кўринган вакили Публий Овидий Назоннинг “Метаморфозалар” (Турланиш) асарида инсоний эврилиш – ўзликни англаш фонида ифода этилган. Унда метаморфоза ғоясининг бевосита адабиёт таркибидаги тараққиёти намоён бўлади ва метаморфоза деярли ягона чегараланган хусусий метаморфозага айланиб, ташқи мўъжизавий эврилиш табиатида намоён бўлади.

Антик давр Рим адабиётининг вакилларида бири бўлган Апулейнинг “Олтин эшак” асарида қаҳрамон Люцийнинг учта, яъни эшакка айланганча, эшаклиги, мистерик покланган ҳолати ва кўриниши “тадрижий эврилиш” мотиви воситасида бадиий акс эттирилган. Шу асосда асарда биргина одам – Люцийнинг руҳий ҳолати, жисмоний кўриниши жиҳатидан ўзаро фарқланувчи уч образи намоён бўлади.

Асарда қўлланган метаморфоза магик моҳият касб этади. Чунки унда эврилиш сеҳр йўли билан амалга оширилади. Яна мавжуд анъанага зид равишда унда ягона инсоннинг метаморфоза туфайли ҳайвоний ҳолатга кириб қолиб, атрофидаги кишилардан, ўзини қамраб олган инсоний муҳитдан, одамларга хос шароитлардан айрилиб қолишидан иборат аянчли қисмати ёритилган<sup>11</sup>.

Асардаги метаморфоза мотиви орқали инсон ҳаётининг ўзига хослиги, ҳайвонот дунёсидан фарқи, одамнинг бошига тушган қийинчиликлар

---

<sup>11</sup>Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. – Жаҳон адабиёти. – 2013. – 7-сон. – Б.132-147.

туфайли ўзгариши мумкинлиги талқин қилинган. Шунинг учун “Олтин эшак” романининг баъзи ҳикоялари Боккаччонинг “Декамерон” асари яратилишига катта таъсир кўрсатиб, унга инсоннинг турли ҳаётий синовлар воситасида руҳий эврилишига хос мавзуларни ҳаё қилган.

Шотландиялик ёзувчи Р.Л.Стивенсоннинг готик жанрда ёзилган “Доктор Жекил ҳамда мистер Хайд ҳақидаги ғайриоддий воқеалар” романида илм-фан ютуқларини эътироф этиш, инсон ўз ақлу заковати асосида кашф этган дори-малҳамини қабул қилиши билан кўринишини ўзгартириши анъанавий эврилиш мотиви воситасида тасвирланган. Романда сирли дори тайёрлаб, ўз кўринишини ўзгартирган ва Эдуард Хайд қиёфасига кириб олган Генри Жекил образи учрайди. Шу асосда инсон кудрати, ақлу заковати улуғланиши баробарида, у топган малҳам инсонга ўз қабиҳлигини, аниқроғи, қотиллик иллатини ёпиш учун қўл келгани ҳам ёритилган.

Антик адабиёт давридаёқ англаб етилган эврилиш мотивига хос поэтик вазифадан ХХ адабиётида ҳам кенг фойдаланилди. Хусусан, Ф.Кафка ўз ижодида уни янада юксак даражага кўтарди. Адибнинг тўппадан-тўғри эврилиш номи билан юритилган асари бу жиҳатдан айрича эътиборга молик. Ҳикоя жанрида ёзилган бу мўъжаз асарда инсон жисмида юз берувчи ўзгаришлар унинг ҳам ўзи, ҳам яқинлари руҳиятини ўзгартириб юбориши мумкинлиги ўта таъсирчан ёритиб берилган<sup>12</sup>. Ҳикоядаги асосий ғоя: одам қиёфасини йўқотса, ҳаммага бегона бўлиб қолиш ҳақиқати билан боғлиқ. Ҳатто ундан оиласи ҳам юз буради. Унга нисбатан оила аъзоларининг аввалги туйғулари ўзгаради. Кафка одамларга хос ҳис-туйғуларнинг айнан ўзгарувчанлигини, улар орасидаги муносабатлар манфаатлар эвазига қурилишини кўрсатиш учун эврилиш мотивини восита қилган. Шунинг учун бу асар нафақат Ф.Кафка ижодида, балки бутун ХХ аср жаҳон адабиёти тараққиётида ўзига хос янгилиги билан муҳим ўрин эгаллади.

Америкалик Генри тахаллуси билан ижод қилган ёзувчи У.С.Портернинг ҳам “Эврилиш” номли ҳикояси бор. Унда банкларни ўмарувчи ўғри Жимми Валентай бош қаҳрамон сифатида тасвирланган. У Аннабел Адамсга ошиқ бўлиб қолгач, бутунлай яхши томонга ўзгаради. Бу асарда эврилиш мотиви магик моҳиятда эмас, балки қаҳрамон Жиммининг руҳиятидаги ўзгаришларни очиб беришга хизмат қилган.

Г.Г.Маркес яратган “Бузрукнинг кузи” романида ҳам эврилиш мотиви ёки унга ишора қилувчи парчалардан фойдаланилган ўринлар бор<sup>13</sup>. Масалан, асарда ота-онасидан қарғиш олиб, чаёнга айланиб қолган қиз тимсоли, Генерал Сатурно Сантос ҳақида: “У алвастининг нақ ўзгинаси эди, у хоҳлаган нарсасига айлана оларди – ҳа, истаса тошбақа, истаса кўлмак, истаса чакмоққа эвриларди” деган парчалар учрайди

Инглиз адиби Г.Ж.Уэллснинг “Кўзга кўринмас одам” фантастик романида ёш физик олим Гриффин кўп машаққатли меҳнат ва изланишлардан сўнг нарсаларни рангсизлантириш орқали одамни

<sup>12</sup>Кафка Ф. Эврилиш. М.Солих таржимаси. – Шарқ юлдузи. – 1983. – 8-сон. – Б. 116-132.

<sup>13</sup>Маркес Г.Г. Бузрукнинг кузи. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. – Б. 27, 97, 137 -138, 140, 325.



